

## ИСЛОМ МОЛИЯСИДА НАҚД ВА НАСИЯ САВДО ТУШУНЧАСИ

**Халилов Шавкатжон Баҳром ўғли**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти*

*Xalilovshavkatjon25@gmail.com*

*Тел: +998909533770*

Умумий ҳолатларда савдодаги асл қоида товарнинг эвазини дарҳол нақд тўлаш ҳисобланади. Чунки киши китоб дўконидан китоб, қассобдан гўшт, сабзавотчидан мева-сабзавотлар сотиб олади ва бу товарларни қабул қилгандан сўнг унинг қийматини сотувчига беради.

Нақд савдонинг ҳукми шуки, битим тугал бўлгач, харидор товарни, сотувчи эса, пулни дарҳол талаб қилишга ҳақли бўладилар. Уларнинг бири бошқасига зиммасидаги нарсани топширишга муҳлат бериши, яъни сотувчи харидорга пулни топшириши учун ёки харидор сотувчига товарни топшириши учун муҳлат бериши мустаҳаб саналади. Лекин бу иш мажбурий ҳақ эмас. Шунга кўра, номаълум муддатгача муҳлат берилса, масалан, товарни сотган тижоратчи ўзининг яқин харидор танишига “Пулини истаган вақтингизда бериб кетарсиз” ёки “Топганизда берасиз” деб айтса, бу савдо нақд савдо битими ҳисобланиб, сотувчи харидорга ўз ихтиёри билан мустаҳаб бўлган муҳлатни бераётган бўлади. Шунинг учун ҳам истаган вақтида товар эвази бўлган пулни харидордан талаб қилиши мумкин. Агар мана шу ҳолатда савдони насия дейдиган бўлса, битим фосид бўлади. Чунки унда аниқ муддат кўрсатилмаган. Лекин нақд савдо йўлига кўра жоиз бўлади.

Агар нақд савдо муқояза (яъни, бартер савдоси) ёки сарф (яъни, валюта айирбошлаш савдоси) бўлса, савдолашувчилар иккала бадални ҳам биргаликда баробар топширишлари вожиб бўлади. Бу ўринда уларнинг бири бадални биринчи бўлиб топшириши вожиб бўлмайди.

Бу ислом шариати жорий қилган қоида саналади.

Инглиз шаҳар қонунлари эса, мазкур қоидани савдонинг барча турларига нисбатан жорий қилган. Хоҳ у бартер бўлсин, хоҳ валюта айирбошлаш бўлсин ва хоҳ нақд пуллар эвазига бошқа товарларни сотиб олиш бўлсин.

Ислом фикҳида товарларни нақд пулларга сотиш борасида қонун-қоидалар турличадир. Чунки бу масалада фуқаҳолар турли фикрларни баён қилганлар.

Ҳанафий ва моликийлар наздида нақд савдода биринчи бўлиб харидор сотувчига пулни топшириши вожиб бўлади. Шунинг учун ҳам сотувчи то пул тўлиқ топширилгунга қадар товарни ўз ҳузурида ушлаб туришга ҳақли



бўлади. Бунинг сабаби шуки, битим тугал бўлгач товарнинг эгаллиги харидорга ўтади. Негаки товар муаяйн, тайин қилинган нарсадир. Саман эса, харидорнинг зиммасидаги дайн бўлиб, у фақат сотувчи қўлга олгандагина тайин топади. Шунга кўра ўртадаги тенглик саманни биринчи топшириш билан юзага келади. Яъни, сотувчи саманни қабул қилгандан сўнггина у унинг мулкига айланади.

Агар харидор саманнинг аксар қисмини топшириб, озгина миқдорини бермаган бўлса ҳам сотувчи то ўша улушни олмагунга қадар товарни ўз хузурида ушлаб туришга ҳақли бўлади. Чунки саман тўла берилмагани туфайли ушлаб турилган товар берилган пул қисмлари эвазига жузланмайди. Яъни, товар тўлалигича саманнинг ҳар бир улуши эвазига ушлаб турилган бўлади.

Шунингдек, сотувчи иккита нарсани бир сафқа, яъни бирданга келишиб, бир савдо билан сотган бўлса ва товарларнинг ҳар бири учун алоҳида нарх айтган бўлса, харидор эса, уларнинг бирига пул бериб, бошқасига бермаган бўлса, сотувчи уларнинг ҳар иккисини ҳам то иккинчи товарнинг пули тўлангунга қадар ушлаб туришга ҳақли бўлади. Негаки бу суратда бир товарни қолдириб, бошқасини қўлга олиш қабз қилиш ҳаққида бир савдони иккига ажратиш ҳисобланади. Харидор қабул қилиш ҳаққида бир савдони иккига ажратишга эгадор бўлмаганидек, товарни қабз қилиш ҳаққида ҳам савдони иккига ажратишга ҳақли бўлмайди. Чунки товарни қўлга олиш битим кабидир.

Гоҳида инсон истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи туфайли уларни муаяян дўкондан насияга сотиб олади ва маълум муддат келганда уни дўкон эгасига тўлайди.